



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 75 (11.886)

Баҳоси эркин нарҳда



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР



ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА ҚЎШИЛГАН УЛКАН ҲИССА

Тошкентда Инновацион ғоялар,
технологиялар ва лойиҳалар IV Республика
ярмаркаси ниҳоясига етди.

“Ўзэкспомарказ”да 13-15 апрель кунлари бўлиб ўтган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар IV Республика ярмаркасида мамлакатимиз олимлари ва мутахассислари томонидан яратилган истиқболли ишланмаларни жорий қилиш тўғрисида умумий қиймати қарийб 10 миллиард сўмлик 400 га яқин шартнома ва англашув протоколлари имзоланди.

Инновациялар ярмаркаси Президентимиз Ислам Каримов томонидан мамлакатимизда инновацион иқтисодийни шакллантириш, ишлаб чиқариш, биринчи навбатда реал сектор тармоқларини янада модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида

ташқил этилди. Унда вазириликлар, идоралар, уюшмалар, банклар, йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари, фермерлар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар, илмий марказлар, таъриба-конструкторлик ташкилотлари, шунингдек, ихтирочилар иштирок этди.

Ярмаркада ишлаб чиқаришни кучайтириш ва мақбуллаштириш, ресурсларни тежаш, маҳаллий хомашёдан фойдаланиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, импорт ўрнини босиш ва экспорт тузилмасини кенгайтиришга қаратилган қарийб 600 инновацион технология ва лойиҳалар намойиш этилди. Улар саноат ва қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, ахборот технологиялари, илм-фан ва таълим соҳалари учун мўлжалланган. Шуниси эътиборга лойиқки, улар асосан мамлакатимиз олимлари, мутахассислари ва ихтирочилари томонидан яқинда яратилган мутлақо янги ишланмалардир. Ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишга бундай турлича ёндашув ва ғоялар Ўзбекистон илм-фанининг катта имконият ва салоҳиятга эга эканидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 2011 йил 19-20 апрель кунлари давлат таширифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташириф чоғида Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: ИСТИҚБОЛГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон ва Хитой халқларини узоқ асрлик дўстлик ва ўзаро ҳурматга асосланган кўп томонлама алоқалар бири-бирига яқинлаштириб келган. Хусусан, бундан икки минг йиллар муқаддам Буюк Ипак йўли даврида бошланган ўзаро маданиятлар алмашинуви тарихининг ёрқин саҳифалари ҳамон ёдда сақланиб келмоқда. Маданиятларимиз ўртасидаги қадимий яқин алоқалар илдири иккала халқнинг янада яқинлашишига сабаб бўлаётир ва бугунги кунда Ўзбекистон - Хитой ўртасидаги узоқ муддатли, муҳим ва ишончли ҳамкорлик учун қулай асос яратмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда эътироф этган. Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йил 2 январда ўрнатилган.

Мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон учун ҳар томонлама сигналлар ишончли ҳамкор, тинчликпарвар ва оқилона сиёсат юритувчи яқин қўшни

ҳисобланиб келмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг Хитойга 1992 йил мартда амалга оширган илк расмий таширифи ўзаро ишончга асосланган дўстона алоқаларга мустаҳкам пойдевор қўйди. Натижада ўтган йиллар давомида Ўзбекистон - Хитой муносабатлари кўп қиррали кўриниш касб этди ва жўшқин ривожланди.

(Давоми 2-бетда)

Экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини рағбатлантириш, экспорт тузилмасини диверсификациялаш ва мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар экспорт ҳажмининг 28,5 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий сальдосини таъминлади.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кўриб чиқилган кун тартибининг биринчи навбатдаги масалалари орасида иқтисодийнинг етакчи тармоқларини жадал ва барқарор ривожлантириш, саноат тармоқлари ва корхоналари фаолиятининг самарадорлиги ва уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш ишларининг ҳолати чуқур таҳлил қилинди. Саноатни жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида унинг юқори технологияли тармоқлари улушини кўпайтириш борасида ижобий силжешлар таъминланаётганлиги қайд этилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2011 йил 15 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан республика Ҳукуматининг 2011 йил 21 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Мажлисида республика Ҳукуматининг 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисининг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга ва молия-пул параметрларига эришишни таъминлашга, иқтисодий таркибий қайта ўзгартиришларни янада чуқурлаштиришга ҳамда унинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилишга, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга, максимал даражада қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга ва аҳолининг иш билан бандлигини оширишга қаратилган топ-

шириқларини бажариш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Иқтисодий ислоҳ қилиш ва мамлакатни модернизациялашнинг чуқур ўйланган ва мақсадли йўналтирилган дастурини амалга ошириш туфайли иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари, иқтисодийнинг макроиқтисодий мувозанатлиги таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши

7,6 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 6,2 фоизни, шу жумладан истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 10,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 5,8 фоизни, чакана товар айланмаси ҳажми ўсиши 13,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш ҳажми ўсиши 12,6 фоизни ташқил этди. Давлат бюджетини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиздан ортқ микдорда профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрлардан ортқ бўлмади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Темурийлар тарихи Давлат музейида халқаро ёдгорликлар ва тарихий жойларни асраш кўнига бағишланган «Меросимиз — томиримиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги 324-мактабда «Касбим — фахрим» мавзуси доирасида турли соҳа вакиллари билан ижодий учрашув ўтказилди.

✓ **РЕСПУБЛИКА** Болалар кутубхонасида ўтказилган адабий-бадиий кеча «Китобимда шуурим — очилар тафаккурим» деб номланди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманганда Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 20 йиллиги олдида мусиқа ва санъат мактаблари истеъдодли ёшлари иштирокида «Юртим, сенга жоним фидо» деб номланган бадиий учрашув ва концерт дастури ўтказилди.

• Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» жамғармалари, «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан «Биз — 20 ёшда» шiori остида ёшлар акцияси ташқил этилди.

• Бухоро шаҳрида 30 апрель — 1 май кунлари «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтади.

• Давлат ҳокимияти органлари билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги муносабатларни давр талаби асосида такомиллаштириш тараққиётга хизмат қилувчи омиллардан бири. Наманганда бўлиб ўтган семинар ана шу мавзуга бағишланди. Унда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, йирик корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

• Жиззах вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий услубиёт маркази томонидан 300 дан зиёд ҳудудий фольклор куй-қўшиқларни ўз ичига олган фонотека ташқил қилинди. Номоддий бойликларни асраб-авайлаш, уларни рўйхатга олиш, архивлаштириш мақсадида ташқил этилган ушбу фонотекада аудио-видео тасмалар, ноталаштирилган асарлар сақланмоқда.

• Бухоро шаҳрида минтақавий саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда воҳода фаолият кўрсатаётган 90 дан зиёд корхона иштирок этди. Ярмарка ва биржа якунида умумий қиймати 7 миллиард сўмликдан зиёд 68 та шартнома имзоланди. Махсулот экспорти бўйича жами 1 миллион 400 минг АҚШ доллари микдорига битим тузилди.

• Хонқа туманилик тадбиркор Хушнуд Бегметов трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхона фаолиятини йўлга қўйди. Бунинг учун 100 миллион сўмликдан зиёд банк кредити ва ўз маблағи ҳисобига замонавий дастгоҳлар харид қилиб, корхонага ўрнатди. Натижада 41 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

ЖАҲОНДА

• Нигерия Марказий сайлов комиссияси бўлиб ўтган президент сайловлари натижаларини ҳисоб-китоб қилмоқда. Бу жараён учун қонунга кўра икки кун ажратилган. Президентлик учун кураш иккита асосий номзод ўртасида кечмоқда.

• АҚШ жанубида рўй берган торнадо ва кучли бўрон натижасида 13 киши ҳаётдан кўз юмди. Табиий офат айниқса, Виржиния ва Шимолий Каролина штатларига катта зарар етказди. Ҳозирда бу ҳудудларда фавқулодда ҳолат эълон қилинган.

• Франциянинг «Пежо» автомобилсозлик компанияси атроф-муҳитга зарар етказмайдиган электроскутерни яратди. «Пежо-Ививачити» деб номланаётган ушбу транспорт воситаси аккумулятор бир марта зарядланганидан сўнг юз километрга чаканасиз босиб ўта олади. Бирок, ҳозирча янги транспорт воситасининг қачон оммавий тарзда ишлаб чиқарилиши маълум қилинган йўқ.

• АҚШнинг Чикаго шаҳрида бир гуруҳ олимлар жисмларнинг энг кичик тебраниш тўлқинини кашф этдилар. Ушбу тўлқинлар ёрдамида микроскопик жисмларнинг таркибини қийинчиликсиз ўрганиш ва тортиш кучига бардошли ўта юқори тезликка ҳам эришиш мумкин. Қузатувчиларнинг таҳлилига кўра, кашфиётчиларнинг янгилиги ўз тасдиғини топса, физика соҳасида янги давр бошланади.

• Бутунжаҳон иқтисодий форумининг 2010-2011 йилларда мамлакатларнинг ахборот технологияларини ривожлантириш рейтингига Швеция ва Сингапур етакчи ўринларни эгаллади. Кейинги ўринларни эса Финляндия, Швейцария ва АҚШ банд этган.

• Posten Norge AS (Норвегия почта хизмати) — рақамли почта тизимини жорий этишга киришди. Норвегияликлар энди одатий қоғоз хатлар билан бирга, рақамли кўринишдаги почтани ҳам олишади. Электрон почта қутиси фуқаронинг реал почта манзили ва миллий идентификация рақамига мос жойлаштирилади.

Кўргазмалар

РАНГТАСВИРДА ЁШЛАР ИЖОДИ

Тошкент Фотосуратлар уйида ёш ижодкорларнинг сочма кўргазмаси очилди. Кўргазма экспозициясида Тошкент архитектура-курулиш институти архитектура факультети талабаларининг «Меъморчилик муҳитидаги дизайн» йўналишида 65 та асарлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмани кузатар экансиз, асар муаллифлари бадиий фотография ва видео-арт соҳасидаги ишларда тажрибага эга эканликларининг гувоҳи бўласиз. Мазкур кўргазманинг мақсади — табиатнинг тўрт ҳодисаси мавзусини очишга интилиш, яъни, сув, ер, ҳаво ва оловнинг ҳиссий кечинмалар ҳамда фалсафий талқинда акс этишидир. Айтиш жоизки, кўргазма муаллифлик асарлари билан биргаликда фоторассомларнинг янги авлод вакиллари сифатида намойён бўлиши ҳамда уларнинг асарларида бутун борлиқнинг ўзига хос кўринишлари ва ижодий талқини билан қизиқарлидир. Намойиш этилаётган фотосуратлар муаллиф ғояларини англашда қалит бўлган оқ шеър шаклидаги илова-ёзувларга етаклайди, чунки айнан шеърлар унинг образлиги ва эмоционал тўйинганлигини, инсон ҳис-туйғуларининг рангдор ва баъзи ҳолларда монохром гаммаларда ёрқин акс этишини кучайтириб беради.

Жумладан, институт талабалари К.Тюрина — сув, Л.Ахсанова — олов, А.Кариева — ҳаво, Д.Сорокина — ер мавзуларини ўз ижод намуналари орқали очиб беришга интилишган. Кўргазмадан ўрин олган барча фотосуратлар табиий муҳитда яратилган, фақат уларнинг ранглар ечимига озгина компьютерда ишлов берилган. Хар бир муаллиф табиат ҳодисалари ва унсурлари, уларнинг келиб чиқишини ўзларининг изланишларида намойён этишган. Тўрттала табиат унсурлари ғояларига йўғрилган кўргазманинг таркибий қисми фотографиянинг бутун ечимларини ўзида мужассам этган яхлит инсталляция кўринишида намойён бўлмоқда.

Гулнора ХАМИДОВА



Танловлар

КАСБИЙ БИЛИМЛАРИНИ НАМОЁН ЭТДИЛАР

Республикаимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб Шайхонтоҳур туманидаги барча мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ёш мутахассислар ўртасида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шiori остида танлов ўтказилди.

Танлов иштирокчилари тўртта гуруҳга бўлинган ҳолда олти ташт шарт бўйича ўзаро беллашиб, ўз касбий маҳоратларини синовдан ўтказишди. Улар бадиий чиқишлар, касбга доир савол-жавоблар, янги педагогик технология асосида намунавий машғулот тақдими, МТМда учраётган долзарб ва муаммоли вазиятларнинг ечимини кўрсатиш, миллий хунармандчилик асосларини фаолиятида қўллаб, таълимий ўйинчоқлар яратиш ҳамда эркин мавзудаги шартларда ўз истеъдодларини намойён этишди.

Бугунги кунда Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими тасарруфида 45 та мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатади, — дейди ушбу туман халқ таълими бўлимининг мактабгача таълим услубчиси Дилфуза Ҳамидова. — Уларда тажрибали ходимлар билан бир қаторда ёш мутахассис педагоглар ҳам кўпчиликти ташкил этади. Мазкур танловни ўтказишдан мақсад, мактабгача таълим муассасаларидаги ёш кадрларнинг касбига бўлган қизиқишини, билим ва маҳоратларини ошириш, инновацион ишлари-

ни кенг тарғиб қилиш, ижодий изланишларини жонлантириш ҳамда ижодкор ёш мутахассисларни аниқлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

Қизгин беллашувлар остида ўтган танлов якунида голиблар аниқланиб, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими ҳамда туман бирлашган касабга уюшмаси кўмитасининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Гулнора ШОКИРОВА СУРАТДА: танловдан лавҳа Алексей Попов олган сурат

Ўзбекистон давлат консерваториясида буюк бастакор Людвиг ван Бетховен ижодига бағишланган концерт дастури намойиш этилди.

Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов раҳбарлигида тайёрланган концерт дастури Бетховеннинг машҳур учинчи «Қаҳрамонлик» симфонияси билан бошланди.

Аслида Бетховен ижодининг асоси қаҳрамонликка йўғрилган, яъни инсоннинг бахт-саодати учун қаҳрамонона бах-раш ғоясидан иборат. Бетховен ҳаммаси бўлиб тўққизта симфония яратган бўлса, хар бирида XVIII аср чолғу мусиқаси янги йўналишларда ифодасини топган. Шу тарихда бастакор сонатали симфония мажмуасига асос солган машҳур Гайдн ва Моцарт аъ-

аналарини давом эттиришга ҳаракат қилган. Ўз навбатида,

ҳаттоки жанговарликни англаб, машҳур учинчи «Қаҳра-

УМРИ БОҚИЙ САНЪАТ

бу жанрга янги шакл — буюк трагедия ва драмани киритиб, симфония имкониятларини кенг ривожлантириб борди.

Машҳур бастакорлардан бири Берлиознинг фикрича, Бетховеннинг илк симфонияси жуда ажойиб ёзилган мусиқа, лекин бу ҳали Бетховен эмас. Иккинчи симфониясини, унда кенг намойиш этилган улугворлик, тантанаворлик,

монлик» симфониясининг яратилишига катта ва узоқ тайёргарлик, деса бўлади.

Бетховеннинг учинчи «Қаҳрамонлик» симфонияси янграшидан олдин ушбу симфония ҳақида қисқача маълумот берилди. Маълум бўлишучи, учинчи симфонияда буюк Бетховен ўзининг мавзуси — қаҳрамонна эпик мавзусини топди. Санъатда илк бор ўз даврининг

чуқур драматизми ва қарама-қаршилиги акс этди. Симфонияда асосан инсон, унинг ҳақиқат ва озодлик учун кураши, муҳаббати, шодлиги чуқур драматик руҳда кўрсатилган.

нинг партиясини юқори даражада ижро эта билиши, шунингдек оркестр мусиқачилари билан ҳам уйғун, ҳамоҳанг бўлиши керак.

Концертни қўллаб ёш ижодкорлар кузатиш имкониятига эга бўлди. Албатта, ижро этилган бундай юксак асарлар уларда ижобий таассуротлар қолдиради, ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини янада кенгайтиради. Юз йилдан аввал ёзилган Бетховен асарлари ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Буюк бастакор асарларида яхшилик ҳамма нарсадан устун, деган ғоя илгари сурилади.

Гулрух БАБАНАЗАРОВА, Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛДИ

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 2011 йил ҳар ойнинг 2-ҳафтаси «Соғломлаштириш ҳафталиги» деб эълон қилинган.

Ушбу ҳафталикни ўтказишдан мақсад, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олишдан иборат.

Шунингдек, ҳафталик ўз ичига қуйидаги вазифаларни қамраб олган. Аҳолининг барча қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари зарарли одатларнинг инсон соғлиғига салбий таъсири ҳақида маълумот беришдан иборат.

Шу йил март ойида Чилонзор туманида ҳам Саломатлик ҳафталиги самарали ўтказилди. Мактаб, коллеж, академик лицейларда туман «Саломатлик» маркази ва 33,34,35,36,37,39-оилавий поликлиникалар билан ҳамкорликда «Саломатлик бурчаклари» ташкил қилин-

ди ҳамда ўқувчилар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, видео намойишлар ташкил қилинди.

Мазкур ҳафталик Чилонзор туман тиббиёт бирлашмаси даволаш профилактика муассасалари, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ, Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Ҳафталик доирасидаги тадбирлар жумладан, Республика педагогика коллежидан, Тошкент Давлат иқтисодий университетини қошидаги академик лицейда, 178,126,60-мактабларда ва бошқа ўқув муассасаларида самарали ташкил этилди. Бундай тадбирларни йил давомида нафақат коллеж, академик лицей ва мактабларда, балки маҳалла ва олий ўқув юрталарида ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Нурилла ТОЖИДНОВ, Чилонзор туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

Ялпиз деганда, кўз ўнгимизга шилдираб оқаётган тиник сув, унинг қирғоқларига беихтиёр урилганда, тебранган кумушрангсимон ялпизнинг ёқимли иси димоққа урилгани, Наврўзнинг ўзига хос тотли таоми — ялпиз сомса, кўз ўнгимизда келинчақлардай мафтункор баҳор манзаралари намойён бўлади.

Биолог олим «Қизил китоб», «Қизиқарли биология» китобларининг муаллифларидан бири Файбулла Шерматовнинг маълумотига кўра, ялпизнинг ўндан зиёд тури бўлиб, халқ табиоти ва тиббиётнинг фармакология соҳасида 20 дан ортиқ дори-дармонлар тайёрланадиган тури — Осиё ялпизи, сув ялпиз, қалампир ялпиз кабилар шулар жумласидан. Биз шомоллаганимизда, тишимиз оғриганда, миллимиз яллиғланганда, оғиз бўшлиғи касалланганда даволаниш учун ичадиган, оғиз бўшлиғини чайқайдиган дорилар таркибида, шунингдек, юрак бевозта қилганда ичадиган валидол таркибида ялпиз борлигини билмаслигимиз мумкин.

Буни қарангки, кўзимизга оддий бўлиб кўринсада жаҳон тиббиёти бобокалонни, аллома Абу Али ибн Сино бундан минг йил аввал ёзган китобларида қайд қилишча, у ичак оғриқларини қолдирувчи, овқат ҳазм қилишни яхшиловчи, гижжани туширувчи,

Жаҳон ўсимликшунослик фанига салмоқли ҳисса қўшган биология фанлари доктори, профессор, академик Николай Вавиловнинг маълумотига кўра ер юзидаги ўсимликлар тури 12.000 та бўлиб, ҳозирча ўрганилгани эса 6000, улардан қишлоқ хўжалигига оид сабзавотлар, поллиз маҳсулотлари тури эса 170 та экан. Шулардан бири ялпиздир.

Билиб қўйган яхши

ЯЛПИЗНИНГ ТИББИЙ ХОСИЯТЛАРИ

қон тўхтатувчи, кўнгил айнашни даволовчи муҳим восита сифатида ялпиз орқали ўнлаб касалликларни даволаб келган.

Замонамиз тиббиётида ҳам, қўли энгил шифокорларимиз халқ табиотида амалиётда мигрен — қаттиқ бош оғриғи, сариқ касаллигини, ялпиз шарбати билан қўтириш, шомоллаганда балғам кўчирувчи, нафас йўллари, бавосил, ширинча, ошқозон-ичак, бод касаллиги, тинка қуриш каби 30 га яқин дардларни дамлама, ялпизли қиём билан даволаганлар, шунингдек, ялпизли халподилар: эфир мойи овоз пайларини даволашда қон томирларини кенгайтиришда қўл келмоқда.

Шуни айтиш керакки, сиз даволанаётган валидол, карвалол, олеметин, энатин, анестезол, зеленин томчиси таркибида, шубҳасиз, қалампир ва чўй ялпизининг албатта борлиғи унинг нақадар шифобахшигидан далолат бериб турибди. Ҳар тонгда ялпизли чойни ичиб туриш нафақат касалликларнинг олдини олиш, балки кайфиятни яхшилаш, қон-томирларни кенгайтиришда, энг яхши омилдир. Айниқса, инсулть ва инфаркт касалликларининг олдини олиш каби ўнлаб хатарли хасталиклардан фориг бўлишимизда ялпизнинг асқотилишини унутмаслигимиз керак.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

СЎЗ ВА ГАП ҲАҚИДА

Ёмон гап кўнгилнинг кунини тунга айлантиради.

Гап ўлдириб ҳам билади, тирилтириб ҳам.

Ипини узиб чиққан гапни қайта боғлаб бўлмайди.

Ёмон гап яхши гапга қараганда тез тарқалади.

Хат етмаган ерга ҳам гап етади.

Ёмон сўз сўзлар гулзоридаги ёввойи ўтга қиёс.

Бир гап инсонга қанот бўлиши ёки дилини вайрон қилиши мумкин.

Кўнгил тори бир сўз билан узилиши мумкин.

МУЛОҚОТ ҲАҚИДА

Мулоқот — инсонийликдир.

Одавийлик мулоқот билан ривожланади.

Мулоқот самимийликни севади.

Ҳақиқат — мулоқотнинг қуввати.

Мулоқот савияга боғлиқ.

Аввал эшитиб, кейин гапирган адашмайди.

Мулоқот орқали дўст топиш ҳам мумкин, уни йўқотиш ҳам.

Мағзи бутун суҳбат одамни фикрлашга ундайди.

Ширин мулоқот такрорланишига замин яратади.

Мулоқотлар тажрибани оширади.

Тинглаш — мақсад йўлини кўрсатади.

Оқил бўлиш тинглашга боғлиқ.

Димоғи каттанинг гапига эътибор кичик.

(Давоми бор)

УЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ. Тошкент шаҳрида 19 апрель кунини ҳаво ўзгариш туради, кечкурун ёғиб, момақалди-роқ бўлиши мумкин. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда эсаётган шамол тезлиги кучайиб, секундида 15-20 метрге етади. Кечаси — 9-14 даража иссиқ, кундузи — 23-28 даража иссиқ бўлади. Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 19 апрель кунини эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шайхонларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563. ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3987 туссада босилади. Қўғоқ бичими А-2.

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида теришти ва сақланади. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 123 5